



## ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТЛАШТИРИШДА ИЖТИМОИЙ СОҲАНИНГ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИНИШИ

**Касимова Гулляр Ахматовна**

Тошкент молия институти “Бюджет ҳисоби ва газначилик иши” кафедраси  
профессори, иқтисод фанлари номзоди

Тошкент, Ўзбекистон. Email: [kasimovagulyora1960@gmail.ru](mailto:kasimovagulyora1960@gmail.ru)

ORCID: 0000-0002-9997-6104

### SOLVING PROBLEMS OF THE SOCIAL SPHERE WITH INITIATIVE BUDGETING

**Kasimova Gulyr Axmatovna**

professor of the department "Budget accounting and treasury work" in  
Tashkent Institute of Finance

Tashkent, Uzbekistan Email: [kasimovagulyora1960@gmail.ru](mailto:kasimovagulyora1960@gmail.ru)

ORCID: 0000-0002-9997-6104

#### JEL Classification: G3, G31

**Аннотация.** Мақолада “ташаббусли бюджетлаштириши” амалиёти түгрисидаги назарий ёндашувлар тадқиқ қилинган. Бюджет тизимини бошқарши тизимида ташаббусли бюджетлаштиришининг тутган ўрни, ижтимоий-иқтисодий моҳияти ҳамда ташкилий-хуқуқий асослари кўрсатилган. Ўзбекистон Республикасининг ўрта муддатга мўлжалланган бюджет сиёсатида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг устувор йўналишиларидан бири сифатида бюджет очиқлигини янада ошириши, бюджет маблағлари сарфланшида жамоатчилик назоратини кучайтиришини таъминлаш мақсадида аҳолининг бюджет маблағларини тақсимлаш жараёнидаги фаол иштирокини янада кенгайтириши масалалари ёритилган. «Давлат-инсон учун» тамойили асосида давлат бошқаруви органларининг ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишидаги масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириши ҳамда уларнинг стратегик йўналишиларни режалаштиришига қаратилган янги тизим яратиш мақсадида ҳар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича қабул қилинган

дастурлар ижроси юзасидан раҳбарларнинг ҳисобот берииш тартиби каби замонавий тизим ўрганилган. Маҳаллий бюджетларда “Ташаббусли бюджет” натижаларини маҳаллалар кесимида аниқлаш, “Менинг йўлим”, “Обод маҳалла” лойиҳаси доирасида ғолиблар, шакллантирилган таклифлар асосидаги тадбирларни молиялаштириши механизмига муаллифлик ёндашуви ва қарашлари баён этилган. Шунингдек, маҳаллий бюджет харажатларини шакллантириши жараёнида маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириши ва коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиши талаблари ёритилган. Мазкур мақолада сўнгги йилларда хорижий мамлакатларда давлат бюджетини бошқаршида, маҳаллий бюджет харажатларини шакллантиришида рўй берган қатор ўзгаришлар, янгиликлар, трендлар ва бюджет тизимининг долзарб муаммоларини ҳал қилиш маҳорати, бюджет ижросида давлат молиявий назорати бўйича чора-тадбирларининг ишлаб чиқилиши ва бошқалар келтириб ўтилган. Бюджет тизимини бошқаршида ташаббусли бюджеттега бўлган заруратни илмий исботлашга ҳаракат қилинган, мавзуга оид хорижий

тажрибалар ўрганилган ҳамда иқтисодчи-олимларнинг тадқиқот ишларидан ҳаволалар келтирилган.

**Abstract.** Theoretical approaches to the practice of "initiative budgeting" are explored in the article. The role of initiative budgeting in the management system of the budget system, its socio-economic nature and organizational-legal foundations are shown. In the medium-term budget policy of the Republic of Uzbekistan, as one of the priorities of the socio-economic development of the country, the issues of increasing the openness of the budget and strengthening public control over the spending of budget funds are highlighted.

In order to strengthen the responsibility and accountability of public administration bodies in solving socio-economic issues in the regions based on the principle of "For the State-Human", and to create a new system aimed at planning their strategic directions, a modern system such as reporting by leaders on the implementation of programs adopted for each branch and region has been studied.

In local budgets, the author's approach and views on determining the results of the "Initiative budget" in terms of neighborhoods, the winners within the framework of the project "My Way", "Prosperous Neighborhood", and the mechanism of financing the activities based on the formulated proposals are described. Also, in the process of formation of local budget expenditures, the requirements for improving the efficiency of the activities of local authorities and preventing corruption cases are highlighted. In this article, a number of changes, news, trends and the ability to solve the current problems of the budget system, the development of measures for state financial control in the implementation of the budget, etc., that have taken place in recent years in foreign countries in the management of the state budget, in the formation of local budget expenditures, etc.

An attempt was made to scientifically prove the need for an initiative budget in the management of the budget system, foreign experiences related to the topic were

studied, and references from the research works of economists-scientists were given.

**Калим сўзлар:** Ташаббусли бюджет, Очиқ бюджет, Фуқаролар учун бюджет, ахборот портали, Давлат бюджети, Давлат бюджети харажатлари, ижтимоий соҳа, молиявий назорат, ташаббус, бюджет ташкилоти.

**Key words:** Initiative budget, Open budget, Citizens' budget, information portal, state budget, The state budget expenditures, social sphere, financial control, budgetary organization.

**Кириш.** Юртимизда сўнгги йилларда ахоли турмуш даражасини яхшилаш ва фуқароларни қийнаб келаётган ижтимоий-иктисодий муаммо ва камчиликларни ҳал этилиши бўйича бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жойларда ижтимоий инфратузилмаларни яхшилаш ҳамда тизимли муаммога айланиб улгирган йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви таъминоти, табиий газ таъминоти ҳамда таълим, тиббиёт муассасалари биноларини таъмирлаш каби муаммоларни ҳал этиш энг устувор вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Ҳар бир ривожланган мамлакатда очиқлик асносида демократик сиёsat юритилади, бунда давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик кўпгина ижтимоий ва иктисодий муаммоларга ечим бўлади. Фуқаролар ўз фуқаролик позициясидан тўлиқ фойдалана олиши бу мамлакатда олиб борилаётган давлат сиёsatида фуқаролик жамиятини тутган ўрнини белгилайди.

Инсон хуқуqlари ва манфаатларини сўzsиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида «Харакатлар стратегиясидан - Таракқиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттига устувор йўналишдан иборат 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси инсон қадрини юксалтириш ва эркин

фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш ҳамда мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш кўзда тутилган.

Мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда “Инсон қадри учун” тамоили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларни амалга ошириш энг провард мақсадларимиздан бири ҳисобланади. “Шунингдек, инсон ҳуқуқларини фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди, фуқароларни малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилади”[6].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш Мирзиёев таъкидлаганларидек, “...Шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг тинч ва баҳтли ҳаёт кечириши, унинг соғлиғи жойида бўлиши, яхши таълим олиши, оиласини тебратиши учун қандай шароит керак бўлса, ҳаммасини яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз ва бу йўлдан асло тўхтамаймиз. ...Биз келгуси йил Давлат дастурига халқимиз кўтарган барча масалаларни аниқ ечимлари билан киритамиз. Ушбу жараёнларда депутат ва сенаторлар, маҳалла вакиллари, зиёлилар, ёшлар, тадбиркорлар ва кенг жамоатчилигимиздан фаол бўлишларини, янги-янги таклиф ва ташабbuslar билдиришларини сўрайман” [6].

Халқаро тажрибадан маълумки, фуқароларнинг бюджет жараённида иштирок этиши шаффоффлик ва

очиқликни таъминлашга, жамоатчилик назоратини кучайтиришга, бу орқали давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга ва коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қиласи, “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам ҳар бир туман бюджетининг камида 5,0 фоизини “Фуқаролар бюджети” дастури доирасида аҳолининг таклифлари асосида энг долзарб муаммоларни ечишга сарфлашни ташкил қилиш белгиланган. Ўз-ўзидан маълумки, ҳозирги шароитда Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, шунингдек маҳаллий бюджетлар ва давлат дастурлари доирасида ажратилган маблағларни аҳоли учун бугунги кунда энг зарур деб топилган йўналишларда оқилона ўзлаштирилишида фуқароларнинг фаол иштирок этиши, ўзларининг фикрларини билдириши, “ташабbusli бюджет”га қаратилган назарий-методологик ва ташкилий масалалар ўта долзарб аҳамият касб этади.

**Материал ва метод.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясида асосан, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини шакллантириш ҳамда ижро этиш тартиб-тамойиллари очиқлик ва шаффоффлик принциплари асосида амалга оширилади. Фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг шакллантирилиши ҳамда ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади. Фуқароларнинг ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг бюджет жараённида иштирок этиш тартиби ва шакллари қонун билан белгиланади” [1].

Ўзбекистон Республикасининг ўрта муддатга мўлжалланган бюджет сиёсати мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ равишда амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, унинг устувор йўналишлари белгиланди. Жумладан:

а) бюджет сиёсатинининг ижтимоий йўналтирилганлигини, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимояни ривожлантиришини таъминлаш;

б) бюджет очиқлигини янада ошириш, бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик назоратини кучайтиришини таъминлаш мақсадида аҳолининг бюджет маблағларини тақсимлаш жараёнидаги фаол иштирокини янада кенгайтириш.

Тадқикотда “ташаббусли бюджетлаштириш” бўйича тизимли адабиётлар таҳлили амалга оширилди. Ўрни келганда шуни таъкидлаш керакки, “ташаббусли бюджетлаштириш”ни амалиёт, усул, тизим, механизм, ёндошув сифатида турли адабиётларда “ташаббусли бюджетлаштириш”, “ташаббусли бюджет”, “партиципатор бюджетлаштириш”, “шаффоф бюджет”, “электрон партиципатор бюджетлаштириш”, “фуқаролар билан ҳамкорликдаги бюджет”, “инновацион ёндашув” сифатида ўрганилган.

Халқаро тажрибада ташаббусли бюджет «Participate» (партиципатор бюджетлаштириш) номи билан маълум. «Participate» сўзи инглиз тилида – «қатнашиш, иштирок этиш» деган маъноларни англатади. Фуқароларнинг ташабbusларини ҳисобга олган ҳолда бюджет маблағларининг бир қисмини тақсимлаш ва бу маблағларни сарфлаш йўналишларини танлаш бўйича уларнинг бевосита иштирокида қарорларни қабул килиш, шунингдек, қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилишини кузатиш амалиёти ташаббусли бюджет дейилади.

Ташаббусли бюджетлаштириш – бу фуқаролар томонидан билдирилган таклифларга асосан, уларни ташабbusларини ҳисобга олган ҳолда бюджет маблағларининг бир қисмини тақсимлаш ва ушбу тақсимланган маблағларни фуқаролар томонидан илгари сурилган ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган таклифлар асосидаги лойиҳаларни молиялаштириш амалиётидир.

“Хорижий мамлакатларнинг “ташаббусли бюджет” жараёнларининг ривожлантириш дастурларига назар соладиган бўлсак иккита амалиёт жорий этилганини кўришимиз мумкин: бирликда молиялаштириш (бюджет маблағлари билан бир қаторда ташабbusкор фуқароларнинг ўз маблағларини жалб қилиш); соҳалар кесимида лойиҳалаштириш методи. Биргаликда молиялаштириш - фуқаролар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар томонидан ихтиёрий равища маҳаллий бюджетга ўtkазиб бериладиган беғараз маблағлар бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига мувофиқ, ушбу маблағлар эса аниқ ташаббусли лойиҳаларни амалга ошириш учун йўналтириладиган маблағлар ҳисобланади. Соҳалар кесимида лойиҳалаштириш методи эса энг катта ижтимоий муаммоларни лойиҳалаштирган ҳолда овозга қўйиш методи ҳисобланади, ҳар икки амалиёт ҳам фуқаролик жамиятининг бюджет маблағларини сарфланишида иштирок этишига қаратилган бўлиб бу жараёнларни келгусида натижадорлигини ва самарадорлигини чукур ўрганиш талаб этилади” [14].

“Европа мамлакатларида ташабbuсли бюджетлаштириш асосан мамлакатда демократияни чуқурлаштириш, давлат бюджетини шакллантириш жараённида иштирок этишини рағбатлантириш ҳамда фуқаро ва фуқаролик институтлари ўртасида ишончни мустаҳкамлаш воситаси сифатида пайдо бўлди. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, марказлашган ва муниципал даражада ташабbuсли бюджетлаштириш масалалари ҳал қилинмайди. АҚШда “ташабbuсли бюджетлаштириш” алоҳида, штатлар, муниципалетлар, мактабларни бошқарувчи (ложиҳаларни амалга оширувчи) давлат ташкилотлари томонидан бошқарилади. Таҳлил маълумотлари шуни кўрсатадики, мактабларда ташабbuсли бюджетлаштириш амалиётининг кўлами кенгаймоқда ва ташабbuсли

бюджетлаштириш асосидаги лойиҳалар сонининг барқарор ўсиш тенденциясини кўриш мумкин” [16].

“Ташаббусли бюджетлаштириши Лотин Америкаси, Бразилияда 1989 йилда пайдо бўлган ва аста-секин бутун қитъада тарқалган” [20]. “Ташаббусли бюджетлаштириш амалиёти турли мамлакатларда ўзига хос хусусиятларга эга. Айниқса, Чили тажрибаси ўзига хос хусусияти билан ажралиб турадики, “Ҳамкорлик асосидаги бюджетлаштириш” тажрибасидан фақат муниципалетларда фойдаланилган, айтиш мумкинки, шу кунгача хукуматининг юқори даражаларида фойдаланилмаган” [17]. Аксарият манбаларда кўрсатилишича, “ташаббусли бюджетлаштириш” концепциясини яратилиши 1989 йилга тўғри келади. Хорижий тадқиқотчилар Я.В.Коженко, А.В.Катаев, Т.М. Катаева, Н.В. Лихолетова, Е.Л. Макарова, Л.В. Шарониналарнинг таъкидлашича, “1989 йилда Бразилиянинг Порти-Алегри шахри маъмурлари томонидан тақдим этилган лойиҳалар механизми орқали шаҳар бюджетининг бир қисмини тақсимлашда ташаббускор гурухлар (фуқаролар)ни жалб қилиш учун ижтимоий эксперимент ўtkазишга қарор қилинган пайтда бошланган бўлиши мумкин. Порти-Алегри шахрида бундай бюджетлаштиришнинг энг муҳим ва самарали даври 1991-2004 йилларга тўғри келади” [21].

“Бразилияда 1989 йилда бошланган ПБ амалиёти бутун дунёга тарқалди. Ушбу амалиётни жорий қилган ҳар бир мамлакатда мослашиш жараёнида усуllар минтақавий хусусиятларга мос равища ўзгартирилди. Фақатгина фарқлар, биринчи навбатда режалаштириш кўламида бўлди, яъни мамлакат тузилишига қараб минтақа, шаҳар ва муниципал даражага бўлинди” [22].

“Португалияда 2002-2006 йилларда “Фуқаролар иштирокидаги бюджет — Партиципатор бюджетлаштириш (ПБ) нинг илк шакллари маслаҳат хусусиятига эга бўлди. 2007-2008

йилларда Сесимбра ва Лиссабон муниципалитетлари муниципал бюджетнинг бир қисмини тақсимлаш учун оммавий овоз бериш жорий этилди. Фақат 2012 йилда ПБ тўлиқ шаклда пайдо бўлди. Бу даврда Португалияда оғир молиявий инқизоз ҳам юз берди, ҳалқаро кредиторлар ижтимоий харажатларнинг бир қисми ҳисобидан ички қарзни камайтиришни талаб қилди, бу Португалия жамиятининг институтлар ва сиёсий ҳокимиятга бўлган ишончи камайишига олиб келди. Бу аҳолининг янада фаол иштирокини таъминлаш ва улар билан мулоқот қилиш механизмини яратишга бўлган маҳаллий ҳокимият органлари эҳтиёжини ошириди. Ҳозирда Португалияда ПБ нафақат маҳаллий ўзини ўзи бошқариш даражасида, балки миллий даражада ҳам амал қиласидаган мамлакатлардан бири ҳисобланади.

ПБ муниципал амалиёти орасида Лиссабон четидаги Кашкайш шахри (аҳолиси 206 000 киши) тажрибаси эътиборга молик. У ерда ПБ аҳоли томонидан кенг қўллаб-куватланди, анъанавий сайловларга қараганда лойиҳаларга овоз бериш учун кўпроқ фуқаролар келади”[18]. “Танлаб олинган ПБ лойиҳаси натижалари асосида 2013 йилда Кашкайш шахрида катта, кўп функцияли “Авлодлар боғи” қурилиши ПБ лойиҳаларини амалга ошириш устидан “ижтимоий назорат” деб номланган янги трендни бошлаб берди. Бунда боғ яратишни таклиф қилган ёш фуқаролар камералар ўрнатилишини талаб қилди, камера ёзувларини қурилиш ишларининг боришини кузатиш учун интернетдаги ижтимоий ОАВ сайтларида қўрилди. Кашкайш шахри мэри ёшларнинг шаҳар маъмуриятига бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадида ушбу талабни бажарди. Бу тажриба шаҳар хокимлигини лойиҳа тарафдорларини ва бошқа маҳаллий аҳолини ПБ лойиҳаларининг амалга оширилишини мониторинг қилишга тўғридан-тўғри жалб қилишнинг янги усулини қонунчилик даражасида босқичма-босқич мустаҳкамлаб қўйишга унади”[23].

“Миланда партисипатор бюджетлаштиришнинг Италиядада бугунги кундаги энг йирик амалиёти амалга оширилди” [24]. Миланда ПБ 2017 йилда шаҳар кенгаши томонидан тасдиқланган “Иштирок этиш пакти” (Patto di Partecipazione) томонидан тартибга солинмоқда. Миландаги биринчи ПБ лойиҳаси 2015 йилда ишга туширилган ва Миланнинг барча тўққизта муниципалитетида (худудида) муваффақиятли якунланди”. [26]. Мактаб биноларини реконструкция қилиш, жамоат жойлари, майдонлар ва боғларни ободонлаштириш бўйича 16 та лойиҳа овоз бериш йўли билан танлаб олиниб амалга оширилди. Иккинчи лойиҳа 2017 йилнинг кузида ишга туширилди. Унда биринчи лойиҳанинг барча хатолари ҳисобга олинди. Хусусан, аввалдан номақбул бўлган лойиҳа ғояларини тарғиб қилишни истисно қилиш ва лойиҳаларни янада самарали тайёрлаш имконини берадиган механизмлар назарда тутилди. Миланда ПБ доирасида муниципалитетлар масъулият доирасига мос келадиган, алоҳида шахсларнинг эмас, балки муниципалитетлар худудида бажариладиган, фақат ишларни (жамоат объектларини қуриш ёки режадан ташқари қайта қуриш) ва узоқ фойдаланиладиган товарларни сотиб олишни ичига олган, дарҳол амалга оширилиши мумкин бўлган, самарадорлик, натижадорлик ва барқарорлик тамойилларига зид бўлмаган лойиҳалар молиялаштирилди.

“ПБ бутун дунёда қарорлар қабул қилишга “инновацион ёндашув” сифатида қаралди. Бунда фуқароларнинг иштироки ва тажрибасидан бюджет маблағлари кўпроқ керак бўлган жойга йўналтирилишини таъминлаш учун фойдаланилди. Шотландияда 2021 йилги ПБ лойиҳалари учун бюджет маблағларининг 1,0 фоизи ажратилди. Ногиронлиги бўлган кишиларни жалб қилишнинг энг қизиқарли усулларидан бири Шотландияда кўлланилди. Глазго шаҳар кенгаши ва Шотландия ҳукумати 2018 йилда ПБ жараёнида ногиронлиги

бўлган кишилар иштирокини моделлаштириш бўйича лойиҳани молиялаштиришга қарор қилди. Глазго ногиронлиги бўлган кишилар альянси (GDA) тадқиқот асосида ПБ амалиётида ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўлиқ иштирокига ғов бўладиган мавжуд тўсикларни аниқлади, булар: йўл-транспорт инфратузилмасидан фойдаланиш имконияти йўқлиги, шаҳар муҳити ва хизматларидан фойдаланиш имконияти камлиги, кулаг форматда ахборот йўқлиги, яхши таълим олиш ва сифатли тиббий ҳамда ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари йўқлиги, ишга жойлашиш билан боғлиқ муаммолар” [21].

“Фуқароларни турли шаклдаги бюджет қарорларини қабул қилиш жараёнида иштирок этиши демократик бошқарув шаклларига мисол бўлади. Ташаббусли бюджет XX асрнинг ўрталаридан бери кўпгина мамлакатлар амалиётига киритилди ва 80-йилларда бу амалиёт фаол равишда “технологиялаштирилди”, яъни хорижий давлатларда маҳаллий ривожланиш билан боғлиқ қарорларни қабул қилиш ва ушбу қарорларни тўғридан-тўғри амалга оширишда жамоатчиликнинг иштирокига асослаган турли хил инновацион лойиҳа ва дастурларни (Масалан, Community Driven Development (CDD) - маҳаллий жамиятни ривожлантириш лойиҳалари, Social Investment Fund (BEI-ижтимоий инвестиция фондлари) ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бошланди” [17].

Ватанимиз иқтисодчилари Д.Пулатов, X.Хамидов фикрига кўра, “аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва фуқароларни қийнаб келаётган ижтимоий-иктисодий муаммо ва камчиликларни ҳал этилиши бўйича олиб борилган ишлар, жойларда инфратузилмаларни яхшилаш ҳамда тизимли муаммога айланиб қолган муаммоларни ҳал этишда Давлат бюджетидан ажратиладаиган маблағлар, маҳаллий бюджетлар ва давлат дастурлари доирасида ажратилган

маблағларни аҳоли учун бугунги кунда энг зарур деб топилган йўналишларда оқилона ўзлаштирилишида фуқароларнинг фаол иштирок этиши, батафсил кўринишда тегишли таклифларга овоз бериш тизими жорий этилган” [12].

Худудларни ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлаш, мавжуд инфратузилмани яхшилаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш каби муҳим вазифалар билан боғлиқ чора-тадбирларнинг молиялаштирилиши, асосан, маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилади. Маҳаллий бюджетдан таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, маданият ва бошқа ижтимоий соҳаларига маблағлар сарфланади. “Маҳаллий бюджетларнинг асосий вазифалари маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятини молиялаштириш, маҳаллий иктисодиёт тармоқларига пул маблағларини тақсимлаш, маҳаллий бюджетга қарашли бюджет ташкилотлари, жумладан, таълим ва тиббиёт муассасалари фаолиятини молиялаштириш ва назорат қилишдан иборат[9]. Маҳаллий ҳокимият органлари зиммасига юқлатилган функция ва вазифаларнинг самарали амалга оширилиши уларнинг молиявий маблағ билан қай даражада таъминланганларига бевосита боғлиқ, шу сабабли маҳаллий бюджетлар маблағларини шакллантириш ва бошқариш шу ҳудудда яшовчи аҳоли учун устувор аҳамиятга эга. Маҳаллий бюджетлар орқали ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) нинг бир қисми ҳудуднинг умумий ижтимоий-иктисодий эҳтиёжларини қондиришга сафарбар этилади. Маҳаллий бошқарув органлари фаолиятини тўғри ташкил этиш ҳар бир ҳудудни иктисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқотлар натижасида шундай хулоса қилиш мумкинки, бюджет ижросини самарали назорат қилиш учун бюджетни шакллантириш жараёни, шунингдек сарф-харажатларни амалга ошириш босқичлари имкон қадар ошкора

бўлиши ва жамоатчилик томонидан назорат килиниши керак. Натижада республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар маблағларининг барча йўналишлари бўйича батафсилроқ ишлаб чиқилиши, хатто, энг кам миқдорининг тўланиши ҳам ошкора бажарилиши керак. Бунинг учун бюджет ижроси деталлаштирилган бўлиши, максимал даражада очик ва жамоатчилик учун тушунарли бўлиши керак”[11]. Маҳаллий ижроия органлари эса, ўз навбатида, аҳолининг эҳтиёжларини тармоқлар кесимида ёки шикоятлар шаклида эмас, балки асосли ва ўринли таклифлар шаклида кўришни ўрганадилар. Ташабbusli бюджет жараёнида ҳамкорлиқда ишлаш ва мураккаб вазифаларни ҳал қилишга тайёр, мустақил равишда лойиҳаларни яратиш, ҳудудни ривожлантириш учун янги ресурсларни аниқлаш, шакллантириш ва ривожлантириш ваколатига эга бўлган фаол жамоатчилик шаклланади.

Ташабbusli бюджетга доир дастлабки илмий тадқиқотларни бошлаган У.Ўроқовнинг илмий ишларида таъкидланишича, “ташабbusli бюджетда лойиҳалар қиймати пасаяди, бюджет маблағларини сарфлаш самарадорлиги ортади. Ташабbusli бюджетлаштириш орқали амалга ошириладиган лойиҳаларнинг қиймати фуқароларнинг иштирокисиз амалга оширилган лойиҳаларга қараганда анча паст. Маҳаллий аҳолига ижтимоий муаммони бевосита ҳал қилиш имконияти чегаралангандиги сабабли, маблағларни тежаб, аммо самарали сарфлашга ҳаракат қилишади”[18].

“Ташабbusli бюджетда иштирок этишини истаган энг фаол аҳолини биргаликда ишлаш, турли хил лойиҳаларни мухокама қилишда иштирокчилар ҳақиқий муаммоларни мухокама қилишда мулоқот қилиш қобилиятларини кўрсатадилар, баҳсли масалаларга умумий ечим излашни ўрганадилар. Ушбу жараёнда ижтимоий капиталнинг энг муҳим таркибий қисмлари: ижтимоий алоқалар ва ишонч

шаклланади. Бунда ишонч нафақат турли хил фуқаролар ўртасида, балки фуқаролар ва маҳаллий раҳбарлар ўртасида ҳам пайдо бўлади, бунга бошқа йўл билан эришиши деярли имконсиздир”[29].

Халқаро тажрибада ташабbusli бюджет жараёнида таклиф этилаётган лойиҳалар шартли равишда 3 га бўлинади[18]:

- ҳудудий лойиҳалар. Бунда фуқаролар ўз яшаш жойлари (маҳалла, туман, шаҳар)даги ижтимоий ёки иқтисодий муаммоларни бартараф этиш бўйича таклиф билдирадилар. Масалан, кўчаларни ёритиш, ичимлик суви, асфальтлаш, коммунал муаммолар бўйича;

- алоҳида ривожланиш соҳаларига қаратилган лойиҳалар. Атроф-муҳит муҳофазаси, иқлим ўзгаришлари, экологик ҳолат ва озиқ-овқат хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш, таълим масалалари бўйича;

- алоҳида ижтимоий гуруҳлар томонидан билдириладиган лойиҳалар. Масалан, ногиронлар, талабалар, ёшлар, мигрантлар, аёллар, кекса инсонлар.

Сўнгги пайтларда халқаро тажрибада ташабbusli бюджет жараёнида айнан ижтимоий гуруҳлар томонидан билдирилаётган таклифлар тобора кўпроқ учрамоқда.

2022-2026 йилларга мўлжалланган худудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича дастурлар асосида ҳар йили барча туман ва шаҳарнинг муаммо ва имкониятларини чуқур ўргангандан ҳолда худудлар кесимида тараққиёт дастурлари ишлаб чиқилади. Ижтимоий-иктисодий соҳани ислоҳ қилиш ва устувор тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган муҳим лойиҳалар барча худудларнинг талаблари ва маҳаллий ташабbusкорларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда, жамоатчилик иштирокида кенг муҳокама қилинганидан кейин қабул қилинади.

## Натижалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги 3917-сон қарорига мувофиқ 2019 йилдан бошлаб Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан “Очиқ бюджет” ([www.openbudget.uz](http://www.openbudget.uz)) ахборот портали ишга туширилди. Ушбу ахборот портал орқали фуқаролар: ташабbusli бюджет жараёнида иштирок этиш учун ўз таклифларини батафсил кўринишда қолдиришлари ва тегишли таклифларга овоз беришлари; давлат бюджети даромадлари ва харажатлари; маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари; давлат ички ва ташқи қарзи; туман (шаҳарлар) бўйича ажратилган бюджет маблағлари ва уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотларни тўғридан-тўғри кузатиб боришлари мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлиги ва шаффоғлигини ҳамда фуқароларнинг бюджет жараёнидаги иштирокини таъминлашга қаратилган бир қатор тадбирлар амалга оширилаётганлиги, шу жумладан Давлат бюджети Парламент томонидан тасдиқланиши, «Фуқаролар учун бюджет» ахборот нашри чоп этилиши, Openbudget.uz ахборот портали ишга туширилиши, Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги маълумотлар миллий ҳамда Халқаро валюта жамғармасининг Давлат молиявий статистикаси (GFS) стандартларига мувофиқ эълон қилинishiiga қарамасдан, Давлат молиясини бошқаришни янада тақомиллаштиришни талаб этадиган бир қатор йўналишлари мавжуд. Стратегияда давлат молияси тўғрисида жамоатчиликка кенг қамровли маълумотлар бериш ва шаффоғликини таъминлаш, самарадорлик ва натижадорликка босқичма-босқич эришишга қаратилган солик-бюджет сиёсатига ўтиш учун стратегик



ёндашувларни ишлаб чиқиш ҳамда бюджет жараёни иштирокчиларининг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш каби йўналишлар ҳам белгиланди”[2].

Мамлакатимизда “Ташаббусли бюджет” жараёнлари 2019 йилда ишга туширилган, “Очиқ бюджет” ахборот портали ҳам ҳозирга келиб уч маротаба янгиланди. “Ташаббусли бюджет” жараёнлари олдин бир йилда тўрт маротаба яъни ҳар чорак якунларида ўтказилди, ҳозирда эса бир йилда икки маротаба ўтказилади. Таклиф қилинган лойиҳаларни молиялаштириш манбаси фақартгина туман(шаҳар)лар бюджетлари кўшимча маблағларининг энг кам миқдорини 10,0 фоизини ташкил қилди, ҳозирда эса 10,0 фоиздан 30,0 фоизга оширилди ҳамда 2021 йилдан бошлаб ҳар бир худудда биттадан туман ёки шаҳарда тегишли туман (шаҳар)лар бюджетлари тасдиқланган умумий харажатларининг 5,0 фоизини жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш бўйича янги тартиб жорий этилди, 2022 йилдан бошлаб эса ушбу тартиб барча туман ва шаҳарларга тўлиқ тадбиқ этилди.

2021 йилда ўтказилган ташаббусли бюджетлаштириш жараёнида фуқаролардан келиб тушган мурожаатларда баён этилган ўринли ва долзарб муаммоларни кисқа муддатларда бартараф этиш, давлат бюджетини шакллантириш ва худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига аҳолини фаол жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 5250-сон Қарорига мувофиқ, 2021 йил 1 октябрга қадар Фуқаролар ташаббуси жамғармасида 1 млрд сўмдан кам маблағ шаклланган туман ва шаҳарлар учун кўшимча 57,9 млрд сўм; «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали

келиб тушган таклифлар сони 100 тадан ортиқ бўлган туман ва шаҳарларга кўшимча 59,5 млрд сўм маблағ ажратилди.

«Очиқ бюджет» портали маълумотларига кўра, аҳолидан 55 970 та ташабbus келиб тушган. Фуқаролар ҳар қандай лойиҳа учун фақат битта овоз бериш ҳуқуқига эга, энг кўп овоз тўплаган лойиҳалар ғолиб деб топилади. Ғолиб бўлган лойиҳалар сони лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратилган маблағдан келиб чиқиб белгиланди. Овоз бериш якунларига кўра ғолиб бўлган лойиҳаларни молиялаштириш бўйича тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг қарори (фармойиши) лойиҳаси тайёрланади, мазкур лойиҳалар ҳалқ депутатлари кенгаши томонидан кўриб чиқиш учун киритилади. 2021 йилдан бошлаб туман ва шаҳар бюджетларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида йўналтириш механизми эксперимент тарзда жорий этилган бўлиб, жорий йилда ушбу механизм бутун мамлакат бўйлаб барча туман ва шаҳарларга тадбиқ этилди.

Ғолиб деб топилган лойиҳаларнинг 1776 таси (жамига нисбатан 31 фоиз) умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва жиҳозлаш, 1435 таси (25 фоиз) ички йўлларни таъмирлаш, 426 таси (7 фоиз) соғлиқни сақлашга қарашли бюджет ташкилотларини таъмирлаш ва жиҳозлаш, 438 таси (7,6 фоиз) мактабгача таълим ташкилотларини таъмирлаш ва жиҳозлаш, 300 таси (5.2 фоиз) ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича лойиҳалар ташкил этган. 2021-2022 йилларда ўтказилган “Ташабbusli бюджет” жараёнларида фуқаролар томонидан билдирилган таклифларнинг соҳалар кесимида тақсимоти 1- жадвалда берилган.

**2021-2022 йилларда ўтказилган “Ташаббусли бюджетлаштириш” жараёнларида фуқаролар томонидан билдирилган таклифларнинг соҳалар кесимида тақсимоти[13].**

Т\р	Таклиф мазмуни	2021-2022 йил мавсумлар		Шундан					
		2021 йил натижалари		2022 йил 1-мавсум		2022 йил 2-мавсум			
		объект сони бирлик	микдори млрд. сўм.	объект сони бирлик	микдори млрд. сўм.	объект сони бирлик	микдори млрд. сўм.	объект сони бирлик	микдори млрд. сўм.
1.	Умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва жиҳозлаш	1776	895.1	367	106	836	409	573	380
2.	Ички йўлларни таъмирлаш	1435	907.4	408	113	572	357	455	437
3.	Мактабгача таълим муассасалари ҳолатини яхшилаш	438	213.4	113	33	206	100	119	81
4.	Ичимлик суви таъминоти	300	138.5	131	26	93	54	76	59
5.	Соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш	426	262.2	64	24	145	79	217	160
6.	Ёритиш тизимини яхшилаш	229	75.1	115	19	66	19	48	38
7.	Бошқалар	1131	452.9	401	87	436	185	294	181
	<b>Жами</b>	<b>5735</b>	<b>2944.5</b>	<b>1599</b>	<b>407</b>	<b>2354</b>	<b>1202</b>	<b>1782</b>	<b>1336</b>

Ташаббусли бюджетлаштириш бўйича 2021-2022 йилларда эришилган натижалар қўйидагилардан иборат.

1. 2021-2022 йилларда ўтказилган ташаббусли бюджет жараёнларида фуқаролар фаол иштирок этди. Жумладан,

а) 2021 йилда фуқаролар томонидан 41 мингдан ортиқ лойиҳалар илгари сурилган ва ушбу лойиҳалар учун берилган овозлар сони 1,1 млн.тани ташкил этган.

2022 йилнинг 1-мавсумида (*февраль-март*) фуқаролар томонидан 69 мингдан ортиқ лойиҳалар илгари сурилиб, 6,7 млн нафар фуқаролар (*жами аҳолининг 19 фоизи*) овоз бериш жараёнида иштирок этди.

б) 2021 йилда 1 599 та, 2022 йилнинг 1-мавсумида 2354 та лойиҳалар ғолиб деб топилди, ушбу лойиҳаларни молиялаштириш учун 1,6 трлн. сўм маблағлар йўналтирилган.

Мамлакатимизда 2021 йилда ўтказилган ташаббусли бюджет жараёни натижалари

ушбу соҳанинг инсонлар ҳаётидаги ўрни қанчалик долзарблиги ва ушбу жараён жамиятимиздаги мавжуд ижтимоий муаммоларни ечилишида муҳим “дастак” бўлиб хизмат қилишини яна бир бор исботлаб берди. Бу эса ўз навбатида мазкур жараённи янада такомиллаштириш, жорий йилда кузатилган камчиликларни келгусида такрорланмаслиги ҳамда жараён билан боғлиқ муаммоларни тизимли равища ҳал этишда хорижий илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганишни талаб этади.

Фуқароларни бюджет жараённига жалб қилиш механизмининг ишга туширилиши 2019-2020 йиллар давомида жойларда аҳолини қийнаб келаётган муаммоларнинг ечимини топиш ва жамоатчиликни бюджет жараёнининг иштирокчисига айлантиришда алоҳида восита бўлиб хизмат қилди. Давлат бюджетининг шаклланиши ва худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш лойиҳаларини ишлаб чиқиши жараёнига аҳолини фаол жалб этиш ҳамда жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик иштирокини

кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги «Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5072-сонли қарорига кўра, 2021 йил май оидан бошлаб республиканинг ҳар бир худудидан 1 тадан туман (шаҳар)ларда, 2022 йил 1 январдан эътиборан республиканинг барча туман (шаҳар)ларида тегишли бюджетларнинг тасдиқланган умумий харажатларининг 5,0 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш бўйича янги тартиб босқичма-босқич жорий этилди.

“2022 йилда маҳаллий бюджетлардан умумтаълим муассасаларини, мактабгача таълим ташкилотларини, соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашга, шунингдек суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид тадбирлар доирасида обьектларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаштикларни ишларига доир харажатлар молиялаштирилади. Шунингдек, барча туман (шаҳар)ларда тегишли бюджетларнинг тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизи яъни 1,5 трлн. сўм маблағлар жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш белгиланди” [3]. Аввал бир мақсадга йўналтирилган таклифлар сони қанчалик кўп бўлишидан келиб чиқиб, тегишли таклиф ғолиб деб топилди, эндиликда ушбу жараёнлар уч босқичда амалга оширилади.

Бунда 1-босқич фуқаролардан таклифларни қабул қилиш, 2-босқич туман ва шаҳар ишчи комиссиялари томонидан таклифларни танлаб олиш (модерация) жараёни, 3-босқич эса билдирилган таклифларга овоз бериш жараёни ўтказилди.

2023 йилда бевосита фуқаролар томонидан илгари сурилган лойиҳаларни молиялаштириш учун жами 8 трлн сўм

(2022 йилга нисбатан 3,5 бароварга кўп) маблағлар йўналтирилиши прогноз қилинмоқда. 2023 йилнинг биринчи мавсуми доирасида мамлакат бўйича фуқаролар томонидан илгари сурилган лойиҳаларни молиялаштиришга қарийб 1,7 триллион сўм йўналтирилиши мумкин. Хусусан:

а) 2023 йил 1 январдан бошлаб туман ва шаҳар бюджетларининг 5 фоизини ташабbusli бюджет жараёнига йўналтириш бўйича амалдаги тартиб сақлаб қолинган ҳолда, ҳар бир туман ва шаҳарда 6.0 млрд. сўмдан кам бўлмаган маблағлар ажратилиши ҳисобига келгуси йилда ташабbusli бюджет жараёнлари учун 2 трлн сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирилиши кутилмоқда.

б) жойларда фуқароларни қийнаб келаётган долзарб муаммоларни ҳал этилиши қўламини кенгайтириш мақсадида 2023 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетининг қўшимча маблағларининг 30 фоизи ҳам фуқаролар фикри асосида шакллантирилган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилиши белгиланди. Натижада, келгуси йилдан бошлаб ушбу мақсадлар учун тегишли туман ва шаҳарларга қўшимча равишда 1 трлн. сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирилади.

“Ташабbusli бюджетлаштиришдан қўзланган мақсад: фуқароларга бюджетни режалаштириш тўғрисида маълумот бериш; маблағларнинг ноўрин сарфланишини олдини олиш; маҳаллий ҳокимият ва фуқаролар томонидан тегишли ҳудудда муҳим аҳамиятга молик соҳалар учун биргаликда карорлар қабул қилиш; фуқароларни ҳудудда амалга оширилаётган ислоҳотлар йўналишларига мос равища сарфланаётган маблағлар тўғрисида хабардор қилишдан иборат» [19]. Янги талқиндаги “Очиқ бюджет” ахборот портали маблағларнинг сарфланиши устидан нафақат Парламент ва жамоатчилик назоратини, балки фуқаролар бюджет маблағларининг

ишлиатилишидаги иштирокини оширишга ҳамда фуқароларнинг жамиятимиз учун худудлардаги долзарб масалаларни ҳал этишга қаратилган ташаббусларини қўллаб-куватлашда ушбу портал муносиб хизмат қиласди. Ушбу жараённи ахоли учун янада қулай ва енгиллаштириш учун қўйидаги ишлар амалга оширилди: оммавий ахборот воситалари орқали “Ташаббусли бюджет” жараёнларини кенг ёритган ҳолда фуқароларни ушбу тизим ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш; “Очиқ бюджет” ахборот порталининг мобил иловасини кенг жамоатчиликка тақдим этиш. “Хозирги кунда ушбу жараёнларни янада такомиллаштириш бўйича бир қатор янги инновацион ғоялар юзасидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда, мисол учн “Ташаббусли бюджет” жараёнларига рақамли технологияларни жалб қилган ҳолда овоз бериш тизимини бир мунча такомиллаштирилди яъни фуқаролар ўзлари истаган таклиф ID-рақамини кисқа рақамларга смс орқали овоз

бериши мумкин бу тизим “смс промо код” хизмати деб аталди”[12].

2-жадвалда “Ташаббусли бюджетлаштириш” натижаларини маҳаллалар кесимида шакллантирилиши ва ғолибларни маҳаллалар кесимида аниқланиши кўрсатилган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қонунчиликда таъқиқланмаган маблағларни жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш учун мувофиқлаштирувчи органлар қошида ҳар бир маҳалла учун алоҳида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари шаклидаги “Маҳалла бюджети” шахсий ғазна ҳисобвараги очилиб, ҳар бир маҳалла томонидан ундирилган маблағлар тегишлилиги бўйича очилган жамғармаларда умумлаштирилади. Эътиборли жиҳати, ушбу лойихалар 9200 та маҳаллалар бўйича ёки жами маҳаллар сонига (9367 та маҳалла) нисбатан 98,0 фоизи томонидан илгари сурилган.

## 2-жадвал

### Ташаббусли бюджетлаштириш натижаларини маҳаллалар кесимида шакллантирилиши ва ғолибларни маҳаллалар кесимида аниқланиши[14]

Т/р	Ҳудуд номи	Республика бўйича жами МФЙ лар сони	Жалб қилинган МФЙ лар сони	Жами	Фоизи
1	Андижон вилояти	887	865	22	98%
2	Бухоро вилояти	544	544		100%
3	Жиззах вилояти	308	308		100%
4	Қашқадарё вилояти	814	814		100%
5	Қорақалпоғистон Республикаси	424	406	18	96%
6	Навоий вилояти	330	330		100%
7	Наманган вилояти	791	791		100%
8	Самарқанд вилояти	1 125	1 025	100	91%
9	Сирдарё вилояти	236	231	5	98%
10	Сурхондарё вилояти	723	723		100%
11	Тошкент вилояти	1 020	998	22	98%
12	Тошкент шаҳри	579	579		100%
13	Фарғона вилояти	1 058	1 058		100%
14	Хоразм вилояти	528	528		100%
<b>ЖАМИ</b>		<b>9 367</b>	<b>9 200</b>	<b>167</b>	<b>98%</b>

Мамлакатимизда ташаббусли бюджет жараёнлари эндилиқда хар маҳаллалар кесимида шакллантирилиши ва голиблар маҳаллалар кесимида аниқланиши тизими жорий этилди (2-жадвал).

Фуқаролар ўз яшаш жойлари (маҳалла, туман, шаҳар)даги турли ижтимоий-иктисодий муаммоларини яхши билишади ва фуқаролар томонидан таклиф этилган лойиҳалар аксарият ҳолларда асосли ҳисобланади. Чунки, маълум бир жойда узоқ вақт яшаётган фуқарогина биринчи навбатда қандай масалаларни ҳал қилиш кераклигини кўрсата олади. Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан кенг жамоатчилик манфаатига хизмат қилувчи бирор қарорни қабул қилишда ёки лойиҳани амалга оширишда фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олинмаслиги уларнинг норозилигига айrim ҳолларда маблағлардан самарасиз фойдаланишга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистонда маҳалланинг «фаол» моделини жорий этиш, маҳалла томонидан аҳоли кўрсатган муаммоларини бевосита ҳал қилиш ҳамда худудни ривожлантириш учун зарур ресурс ва имкониятлар билан таъминлаш мақсадида барча даражадаги раҳбарлар маҳаллага тушиб, ўз йўналиши бўйича муаммоларни ўрганиши ва уларга ечим топиши тартиби жорий этилди. Маҳалладаги ишларнинг ҳолати вазирлик, идора ва ҳокимликлар фаолиятини баҳолашнинг бош мезони сифатида белгиланди. Маҳаллалarda ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари қайта кўриб чиқилди ҳамда маҳаллаларнинг молиявий имкониятлари кенгайтирилди.

**Хулоса.** Очиклик асосида демократик сиёсат юритилган мамлакатда давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро хамкорлик асосида ижтимоий ва иктисодий соҳадаги долзарб муаммоларга ечим топилади. Фуқаролар ўз фуқаролик позициясидан тўлиқ фойдалана олиши бу мамлакатда олиб

борилаётган давлат сиёсатида фуқаролик жамиятини тутган ўрнини белгилайди. “Ташаббусли бюджетлаштириш” жараёнларини янада ривожлантириш ҳамда фуқароларнинг талаб ва таклифларидан келиб чиқкан ҳолда ушбу тизимни замонавий технологиялар билан узвий боғлаш ҳозирда олдимизда турган энг устувор вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Ташаббусли бюджетлаштириш жараёни аҳолини ташвишга солаётган асосий муаммоларни аниқлашга имкон берди. Халқаро экспертларнинг фикрига кўра, ташаббусли бюджет худудлардаги анъанавий бюджет билан қамраб олинмаган масалаларни зудлик билан ҳал қилиш ва мамлакатда барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга кўмаклашади.

Халқаро тажрибадан маълумки, фуқароларнинг бюджет жараёнида иштирок этиши шаффоффлик ва очикликни таъминлашга, жамоатчилик назоратини кучайтиришга, давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга ва коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилади.

Ташаббусли бюджетнинг яна бир ўзига хос хусусияти – у тўғридан-тўғри демократия механизмига асосланади, бунда фуқаролар бевосита умумий ва маҳаллий аҳамиятдаги лойиҳалар ташаббусини илгари суради, овоз беради, пировардида, шу лойиҳани молиялаштирилишига эришилади. Бюджет маблағларини йўналишини белгилашда оддий фуқароларнинг ҳам бюджет жараёнида доимий ва бевосита иштирок этишига имконият берилади.

“Ташаббусли бюджет” жараёнларда фуқароларни кенгроқ жалб қилиш ва танлов имкониятини ошириш мақсадида овоз бериш жараёнида ҳар бир фуқарога ҳар бир йўналиш бўйича биттадан овоз бериш имкониятини тақдим этилса, бунда фуқаро соҳалар кесимидағи тегишли таклифларга бир вақтнинг ўзида биттадан овоз имкониятига эга бўлади.

“Ташаббусли бюджет” механизми: бюджет маблағларидан фойдаланишнинг шаффоғлиги ва тиниқлигини янада оширади; бир таклиф бўйича сунъий равишда овозлар оширилишига барҳам беради; фуқароларнинг бирча ижтимоий соҳаган оид муаммоларга бўлган қизиқишини ва шу билан бирга масъулиятини оширишга хизмат қиласи.

“Ташаббусли бюджет” механизмини амалга оширишнинг энг муҳим натижаси нафақат ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш эмас, балки аҳоли яшаш манзилларида ижтимоий ва инсон капиталини ривожлантиришdir. Бюджет жараёнида бевосита иштирок этиш орқали фуқаролар ижтимоий ўзгаришларнинг иштирокчиларига

айланишади, ушбу билвосита ва ўлчаш мураккаб бўлган таъсири худудни ривожлантириш учун харакатлантирувчи омил бўлиши мумкин.

Шотландияда имкониятлари чекланган мингдан ортиқ киши 2018 йилда Глазго шаҳрида “партиципатор бюджетлаштириш”га жалб этилди, улар таклиф этилган лойиҳалар бўйича тренингларда, йиғилишларда лойиҳаларни тайёрлаш ва маблағ жалб қилишда иштирок этдилар. Ушбу амалиётни жорий этиш асосида ногиронлиги бўлган кишиларни “партиципатор бюджетлаштириш” амалиётига жалб қилиш бўйича асосий тавсиялар ишлаб чиқилди, бизнинг фикримизча, бу тажриба Ўзбекистон учун ҳам долзарб саналади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси. Тошкент. 2023 йил. 30 апрель. -50 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 506-сон Қарори. 2020 йил. 24 август.
3. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 742-сон Қонуни. 2021 йил. 30 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5072-сон Қарори. 2021 йил. 13 апрель.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5250-сон Қарори. 2021 йил. 22 сентябрь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-olij-mazhlisga-murozhaatnomasi>
7. Абдужалилов А., Хамидов Х. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунида нималар кўзда тутилган. // Молиячи маълумотномаси. Тошкент. 2022. №1.56-58.
8. Исмоилова С.Я. Маҳаллий бюджетлар маблағларидан қандай фойдаланяпмиз? // “Халқаро молия ва ҳисоб” электрон журнали. <https://www.interfinance.uz/en/> -Тошкент. 2020. -№4. август.
9. Касимова Г.А., Шаакрамов К. Маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижросини таъминлаш. Ўқув қўлланма. Тошкент. Молия. 2007. -275 б.
10. Касимова Г.А., Шорахматов А. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджет газна ижросининг назарий-услубий асослари. // Иқтисодиёт ва таълим – Тошкент. 2021.- № 5.-Б.228-234.



11. Касимова Г.А., Мухамадкулов А. Бюджетнинг ғазна ижросида ижтимоий соҳа таркибидағи бюджет ташкилотлари харажатларини тўлаш ва назорат қилиш механизми. // "ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ" илмий электрон журнали. Тошкент. 2021. №4.125-132.
12. Пулатов Д., Хамидов Х. «Очиқ бюджет» ахборот порталида “Менинг йўлим” лойиҳаси ишга туширилди. // Молиячи маълумотномаси. Тошкент. 2022. № 3. 9-11.
13. Хамидов Х. «Ташаббусли бюджетлаштириш” жараёнларида фуқароларнинг хукуқ ва эркинликлари. // Молиячи маълумотномаси. Тошкент. 2022. № 6. 10-14.
14. Пулатов Д., Хамидов Х. Права и свободы граждан в процессах «Инициативного бюджетирования». // Справочник финансового работника. Ташкент. 2021. № 12. 57-59.
15. Participatory budgeting and the arts. The findings of research undertaken for Arts Council England. Emily Fennell and Karin Gavelin with Ruth Jackson (PB Unit). 2009. <https://involve.org.uk/sites/default/files/uploads/Participatory-budgeting-and-t...-for-Arts-Council-England.pdf>
16. The findings of research undertaken for PARTICIPATORI BUDGETING WORLD ATLAS. FUNDING BY . <https://www.pbatlas.net/europe.html>
17. HOPE FOR DEMOCRACY 30 Years of Participatory Budgeting Worldwide/ Nelson Dias /Articles/2018. <https://www.semanticscholar.org/paper/HOPE-FOR-DEMOCRACY-30-Years-of-Participatory-Dias/51b4b59f130c3593af9e721791c51b4e3fdcf>
18. Ўроқов У., Иргашев И., Файбуллаев О. Фуқаролар иштирокидаги маҳаллий бюджет. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2022. –Б.44.
19. Ўроқов У., Ускенбаева Д. Ўзбекистонда ташаббусли бюджетни жорий этишнинг ташкилий-хукуқий асослари. "Science and Education". Scientific Journal. July. 2022. / Volume 3. Issue 7. –P.445-453.
20. PARTICIPATORY BUDGETING IN BRAZIL. Дата обращения: 2023. 28 январь.
21. Participatory budgeting: leaving no one behind. Glasgow Disability Alliance, 2019. <https://gda.scot/resources/participatory-glasgow-leaving-no-one-behind/>
22. Коженко Я.В., Катаев А.В., Катаева Т.М., Лихолетова Н.В., Макарова Е.Л., Шаронина Л.В. Современные тренды инновационного развития экономики. Международный опыт партисипаторного бюджетирования. Административно-управленческий портал AUP.Ru.
23. Baiocchi, Gianpaolo and Ernesto Ganuza. «Participatory budgeting as if emancipation mattered». In *Politics and Society*, Vol. 42, No 1, 2014. pp. 29-50.
24. Cascais' Participatory Budget: an inspiring example, <https://urbact.eu/cascais-participatory-budget-inspiringexample>; Надежда на демократию / Сборник статей под общей редакцией Нельсона Диаса. М.: Алекс, 2019. – 636 с.
25. Milan – Participatory Budgeting. Collaborative Cities.
26. [https://bilanciopartecipativo.comune.milano.it/monitors/index/monitoraggio-dei-progetti#contexts\\_2](https://bilanciopartecipativo.comune.milano.it/monitors/index/monitoraggio-dei-progetti#contexts_2)
27. [https://bilanciopartecipativo.comune.milano.it/content/view/3https://www-mf-uz.translate.goog/?\\_x\\_tr\\_sl=uz&\\_x\\_tr\\_tl=ru&\\_x\\_tr\\_hl=ru&x\\_tr\\_pto=sc&x\\_tr\\_hist=true](https://bilanciopartecipativo.comune.milano.it/content/view/3https://www-mf-uz.translate.goog/?_x_tr_sl=uz&_x_tr_tl=ru&_x_tr_hl=ru&x_tr_pto=sc&x_tr_hist=true)
28. Хачатрян Г.Н., Шульга И.Е., Сухова А.С. Практики партисипаторного бюджетирования в больших городах / Под общей ред. Шульги И.Е. – М.: «Алекс», 2020 – 106 с.
29. [https://admin.openbudget.uz/media/post\\_attachments/asnova\\_uz.pdf](https://admin.openbudget.uz/media/post_attachments/asnova_uz.pdf)